



Бисмиллахи рохмани рохийи

«Оламларга оголантирувчи бўлсин учун бандасига Фурконни нозил қилган Зот барокотли, улугдир» (Фуркон, 1)

Қуръони қарим ихлосмандлари ва мухлисларини жорий йилнинг 20 апрел куни Тошкент шаҳри "Хўжа Аламбардор" жомеъ масжидида XXVI Республика қорилар мусобакаси бўлиб ўтади. мусобакаси бўлиб ўтади. Quran.uz сайти ҳар йилги анъанага кўра мазкур мусобака ҳақидаги маълумотларни (видео, аудио ва фотоларни) бевосита ва билвосита Интернет орқали тарқатиб туради.

Жорий йилнинг 12 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида «26-Қорилар мусобакаси» кўрик-танловининг Республика босқичини ўтқизиш бўйича йигилиш бўлиб ўтди.

Унда раис ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур бошчилигида барча ташкилий гуруҳ аъзолари қатнашди. Йигилишда раис, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларининг мусобакага доир буйруқлари таништирилди. Мусобакани ташкил этиш бўйича фикр мулоҳазалар билдирилиб, намунали ўтқизиш бўйича масъулларга кўрсатмалар берилди.

Эсталиб ўтамиз, «26-Қорилар мусобакаси» кўрик-танловининг Республика босқичи жорий йилнинг 20 апрель куни Тошкент шаҳридаги «Хўжа Аламбардор» масжидида бўлиб ўтади. Мусобакада ЎМИ тасарруфидаги барча диний таълим муассасалари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети талабалари иштирок этади.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими

